Ушбу сонда:
2 ҲАЁТ ИШҚИ Очерк
3 НАВРЎЗ ҚУВОНЧЛАРИ
4 ОЛИС ҚИШЛОҚ СПОРТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 март, чоршанба №47 (1061)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўлкамизда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Куни-кеча нурободликлар туман марказидаги ўйингохда ажойиб тантанани ўтказдилар. Унда халқ ўйинларига катта эътибор берилди. Илғор чорвадорларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Тўкин дастурхонга сумалак тортилди.

Суратларда: (чапдан) Нурободнинг ўзига хос удумлари бор; шу латофатли кунларда кўтаринки кайфиятда меҳнат қилаётган Самарқанд шаҳридаги болалар шифохонаси ходими Ҳилола Орипова.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

НОГИРОНЛИК АРАВАЧАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Наврўз кунлари беморлар, ногиронлар, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, баҳоли-қудрат уларга ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одати. Бинобарин, шу кунларда Наманган вилоятининг ҳамма ерида шундай эзгу ниятлар амалга оширилмоқда. Яқинда Наманган шаҳридаги Бобур номли истироҳат боғининг «Оталар чойхонаси»да бир гуруҳ фуқарога ногиронлик аравачаларини топшириш маросими бўлди. Аравачалар билан сийланган ўн беш нафар ногирон болаларнинг ота-оналари сўзга чиқишиб, фарзандларига қилинаётган меҳрибонлик учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдирдилар.

Чойхонада йиғилганлар учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

О.НАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ЧЎЛДА БОҒЧА

Конимех туманидаги мактаб ва болалар боғчалари хўжаликлар томонидан оталиққа олинган. Жумладан, «Абат» ширкат хўжалиги ўз ҳудудидаги 25-ўрта мактабнинг 4-синф хонасини таъмирдан чиқарди. Боймуроддаги «Болдаврен» болалар боғчасини таъмирлаб фойдаланишга топширди. Чорвадорлар фарзандлари таълим олаётган мактабларга спорт жиҳозлари олишга моддий ёрдам кўрсатди. «Маданият» ширкат хўжалиги эса С.Муқонов номли 18-мактаб химия ўқитувчисига ўз ҳисобидан ойлик ажратиб ўқувчиларга фан асосларини чуқур эгаллашларида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Шу каби тадбирлар мактаб ва боғчаларда ўқув-тарбия ишларининг яхшиланишига олиб келмоқда. Конимехлик кичкинтойлар яқинда «Севимли ўйинчоқлар» вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни олишган бўлса, мураббий ва ўқитувчилар эса «Йил етакчиси», «Йил синф раҳбари» вилоят беллашувларида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ИБРАТ

Саломат опа Комилова бир неча йиллардан буён туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасини бошқариб келмоқда.

Куни-кеча туман қўмитаси йил давомида ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилиши мўлжалланган тадбирлар мажмуасига ўзгартишлар киритишга қарор қилди. Маълумки, жамият юксалиши, унинг баркамоллиги одатда шу жамиятда яшовчи аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

Суюкли оналарни, меҳридарё аёлларни эъзозлашга нима етсин. Шу боисдан ҳам туман касаба уюшма қўмитаси бюджетидан кўп болали кам таъминланган уй бекаларини қўшимча тарзда рағбатлантириш ташаббуси билан майдонга чиқди. Оиладаги икки ва ундан ортиқ 7 ёшдан 14 ёшгача фарзандлари бўлган оила вакиллари учун туман «Пахтабанк» бўлимида шу йилнинг 1 мартидан бошлаб 2 минг сўмдан пул маблағлари қўйилди. Имтиёзли тарзда очилган ҳисоб рақамлари учун талаб этиладиган маблағ туман қўмитаси ҳисобидан кўчирилади.

Дастлабки босқичда 30 нафар болага омонат дафтарчаларини тантанали суратда топшириш маросими бўлиб ўтди. Бир ойлик миқдор учун талаб этиладиган 100 минг сўмлик маблағ масаласи ҳам ижобий ҳал этилди. Кейинчалик унинг салмоғи 1,5 ҳиссага оширилади.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР БОҒИ

Шўртан газ-кимё мажмуи ҳудудида Оналар ва болалар боғи барпо этилди. Ўн гектар майдонга ноёб мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Хотин-қизлар қўмитасининг Қашқадарё вилоят бўлими ташаббуси билан барпо этилган бу мўъжаз боғ «Оналар ва болалар боғи» дея номланди.

ФЕРМЕР АМЕРИКАДАН ҚАЙТДИ

Ёқуб Фаттоев Бухорода анча таниқли одам. У тўққиз йил бурун фермер хўжалиги ташкил этган эди. Ўшанда «Фаттоев» фермер хўжалигининг атиги 10 бош қорамол-у 2 гектар ери бор эди, холос. Энди эса 134 бош қорамол, 22 гектар ерга эга. Ўтган йили хўжалик ҳар гектар ердан 76 центнердан буғдой олди.

Яқинда Ёқуб ака АҚШнинг жаҳонга машҳур Мэриленд университетида таълим олиб қайтди. Ўқиш давомида америкалик ҳамкасблари билан ҳам танишди.

- Фермер хўжаликларидан бирида икки киши - эру хотин ишлаб, 400 бош сигирни парвариш қиларкан, - дейди Ёқуб Фаттоев, - лекин олаётган даромади жуда зўр. Ҳар бош сигирдан ўртача 48-50 литрдан сут соғиб олишаркан. Америкада атиги 2 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалигида банд экану мамлакат аҳолисини бемалол боқаркан.

«Фаттоев» хўжалигида ҳам аҳвол ёмон эмас - 6 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга цех ишлаб турибди. Ёқуб ака яқин йилларда консерва заводи қуришни ҳам режалаштирган. Пешкуда мева-сабзавот мўл бўлади, шу боис, мавсумда сув текинга сотилади. Хом ашёни қайта ишлаб, қадоқлаб, четга экспорт қилиш мўмай даромад келтиради. Ё.Фаттоев бу борада бизнес режа ишлаб чиққан, ҳозир эса хорижлик инвесторлар билан музокаралар олиб боряпти. Мэриленд университети олимлари ана шу бизнес-режага қизиқиб қолди. Ва «Фаттоев» фермер хўжалигига замонавий техника харид қилиши учун тегишли грант ажратадиган бўлди. Ёқуб аканинг айтишича, яқин кунларда Мэриленд университетидан лойиҳа координатори Бухорога келиб, фермер хўжалиги шароити билан танишади.

- Ернинг ҳақиқий эгалари - фермерлар изланса, ўрганса, биз ҳам ҳар қандай ривожланган мамлакатни доғда қолдира оламиз, - дейди Ёқуб ака.

(ЎзА).

Касаба уюшма тадбирлари

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Байрамларга бой баҳор инсонларнинг бир-бирларига эзгулик улашишлари билан янада ўзгача жозиба касб этмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш Бошқармаси раҳбарияти ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Ўтганлар ёди унутилмайди» деб номланган тадбир ўтказди. Тадбирга тизимда фаолият кўрсатаётган Ватан посбонлари билан биргаликда хизмат вазифасини ўтаётиб ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, фарзандлари ҳам таклиф қилиниб, уларга совға-саломлар тақдим этилди.

Шу куни тадбирга йиғилган юзлаб кишилар қалбида эндиликда орамизда йўқ баҳодир ўғлонларга бўлган эҳтиром нақадар кучлилигини сездик. Уларнинг сўзларида Ватанимиз, халқимиз учун ўз жонларини фидо қилган паҳлавонлар эл-юрт юрагида мангу яшаяжаги ўз исботини топди.

- Турмуш ўртоғим Набижон Айдусов Шайхонтоҳур туман Ички ишлар бўлимида сержант эди, - деди зўр ҳаяжон ила Зулхумор Йўлдошева. — Умр йўлдошимни унутмаганликларини мана кўриб турибман. Барака топишсин, байрамларда йўқлаб туришибди, ёзги дам олиш мавсумида фарзандларим учун оромгоҳларга бепул йўлланма ажратиб келмоқдалар. Биз бундай саховатпеша инсонлар ва ўзининг мард ўғлонларини эъзозловчи давлатимизга миннатдорчилик билдирамиз.

— Мени ҳам 3 нафар фарзандим билан биргаликда ҳар йили аньана тусига кирган ана шундай тадбирларга таклиф этадилар, - дейди Робия Мирсалимова. - Турмуш ўртоғим марҳум Шамсиддин Мирсалимов Мирзо Улуғбек туман ИИБда хизмат қиларди.

Кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳр-саховат ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Дарвоқе, Ш.Мирсалимовнинг ўғли ота касбини эгалламоқчи эканлиги ҳам бежиз бўлмаса керак.

— Хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларимизнинг оила аъзоларини таклиф этиб, улар хотирасини эсга олиш ҳам қарз, ҳам фарз, - дейди Қўриқлаш Бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Аъзамжон Ҳакимов. — Маъмурият ва бирлашган касаба уюшма қўмитасининг бу каби ташаббусларини шаҳар ИИББ раҳбарияти қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ходимларимиз фарзандларини Мустақилликнинг 10 йиллик тўйи арафасида кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига зиёратга олиб боришни режалаштирганмиз.

Эл севган санъаткорлар Оролмирзо Сафаров ва Маҳмуд Намозовлар ижро этган қўшиқлар тантанага янада файз бағишлади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

Конунлар — ҳаётимиз мезони, юрар йўлимизни, борар манзилимизни нурафшон этади. Уларни мукаммал билишимиз турмушда қоқилишдан, адашишдан сақлайди. Таассуфки, баъзан конунларни ўз измига солишга, уқувсизлигини, ношудлигини конун билан пардалашга уринувчилар ҳам топилиб қолади. Биз тадбиркор Кўчқор Холиқовнинг шикоят хатини ўрганиш жараёнида Гулистон туманидаги А.Носиров номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Султон Йўлчиевнинг ана шундай хатти-ҳаракатини пайқадик. Аризабозликни келтириб чиқарган ҳолат ҳусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

«Ишонч» бонг уради

ТАДБИРКОР БЕДАЗОРИ

НЕГА ШУДГОРЛАБ ТАШЛАНДИ?

1996 йилда хўжалик чорвачилик фермаси таназзулга юз тутди. Тармоқдаги парокандаликка барҳам беришга кўп одамлар журъат этмадилар. Фақатгина шу соҳа нонини еган мутахассис Кўчқор Холиқов бу масъулиятли вазифани ўз гарданига олди. Шу тариқа ферма «Чорбоғ» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, хўжалик зил-замбилликдан халос бўлди. Тадбиркор ва унинг шериклари елди-югурди. Ориқ молларни эт олдириб, сақлаб қолишнинг ўзи бўлмайди, албатта. 1998 йилнинг кузида Гулистон туман ҳокимининг 55-сонли қарори билан ҳиссадорлик жамияти ихтиёрига 57 гектар ер майдони 10 йил муддатга ажратиб берилди. Қарорда ердан фақат чорвани ривожлантириш учун фойдаланиш алоҳида банд билан белгилаб қўйилган. 13 киши оиласи, болачақаси ҳаловатидан кечиб шу ерда ишлай бошлади. Тармоқ зарардан фойда сари юз бурди, давлатга сут ва гўшт маҳсулотлари сотиш йўлга қўйилди. Тумандаги болалар муассасалари ҳамда мактаб-интернатлар йил давомида сут-қатиқ билан таъминлаб турилди.

2000 йил сентябрда ҳиссадорлар келишиб, хусусий чорвачилик фермаси ташкил этишга қарор қилишди. Бу таклиф туман ҳокимлигида кўриб чиқилди ва 15 октябрдаги 454-қарор билан «Чорбоқ» ҳиссадорлик жамияти «Холиқбой ота» хусусий чорвачилик фермасига айлантирилди. Ишлар янада жонланди. Тадбиркорлар қарамоғидаги 136 бош қора молдан 50 тонна сут, 2 тонна гўшт етиштириб бериш юзасидан шартномани имзолашди. Аммо севинч узоққа чўзилмади...

- 27-ноябрдан 28-ноябрга ўтар кечаси хўжалик раҳбари С.Йўлчиев «ҳокимнинг топшириғи» дея 20 гектарлик бедапоямизни шудгорлаб ташлади, — деб тушунтириш беради мулкдор Кўчқор Холиқов. — Алангам осмонга чиқди. Ахир энди чорвани қандай сақлайман? Тайёр озуқани ким беради? Икки оёғимни қасддан бир этикка тиқишди. Бу адолатсизликни уюшма вакилларининг 13-сонли йиғилиши баёни билан ниқоблашаяпти.

Мазкур ҳужжат билан ҳам танишдик. 2000 йил 18 октябрда А.Носиров номли фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари йиғилишиб, ўзларидан аллақачон ажралиб чиққан «Чорбоғ» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 20 гектарлик бедазор масаласини муҳокамага қўйишган. Афтидан улар бу жамият тугатилиб ўрнига фермер хўжалиги ташкил этилганлигидан ҳам бехабар бўлишмаган кўринади. Хуллас йиғилишда сўз олган бош ҳосилот Т.Абдураззоқов, фермерлар А.Исоқулов, М.Содиқов, оилавий пудратчи У.Усановлар 20 гектарлик бедазорни «Чорбоғ» ихтиёридан олиб қўйиш ва уни бузиб, чигит экиш таклифини илгари сурадилар. Уларнинг илтимоси қаноатлантирилиб, 20 гектар бедазор бузилиб, ўрнига «учхоз»дан 50 гектар ер майдони ажратиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бор гап шу. Ажабланарлиси, Кўчқор Холиқовни мажлисга чақириш, розилигини олиш лозим деб топилмайди. Ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган тадбиркорнинг пайкали шудгорлаб ташланади...

Мулкдор қонунбузарлар дастидан «дод», дея туман ҳокимлиги эшигида 70 кун сарғайди. Аввалига унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришди. Сўнгра ошкора кўкрагидан итаришга ўтдилар. Ҳоким М.Игамназаров эса адолатни тиклаш, ҳақиқатни рўёбга чиқариш ўрнига қоидабузарлар томонида турди. Ҳоким имзоси билан раисга битилган 2001 йил 12 февралдаги мана бу хат бизни ҳам ҳайратга солди. Уни айнан келтиришни лозим топдик:

«Гулистон туман ҳокимлиги «Холиқбой» номли хусусий фермага бириктирилган 20 гектар эски беданинг 3 йилга мўлжалланган агротехник муддати 2-3 баробар ошиб кетганлиги оқибатида олинаётган беда пичани ҳосилдорлиги ўртача 50 центнердан ошмаётганлиги ва ушбу майдоннинг умри бекор ўтаётганлигини инобатга олиб, бу майдон шудгор қилиниб, 2001 йилда пахта экини белгилашни маъқуллайди.

Шу муносабат билан хусусий фермага бошқа жойдан 20 гектар ер 2001 йилда янги беда экиш учун ажратиб беришни тавсия этади».

Демак, бу билан ҳоким 2000 йил 15 октябрдаги 454-қарорини йўққа чиқарган. Бизни ҳам ўй босди: ҳокимнинг қарори қонуний кучга эгамикан ёки хати?

«Сирдарётаҳлил» аудиторлик корхонаси тафтишчиси А.Холиқбердиевнинг 2001 йил 25 февралдаги «Холиқбой ота» хусусий чорвачилик фермасида ўтказган текшириш далолатномасига кўра келтирилган зарар миқдори 6241641 сўмни ташкил этади. Мазкур иш адлия бошқармаси томонидан ўрганилиб, адолатли ҳал этиш учун Гулистон туманлараро фуқаролик судига жўнатилган. Ҳақ жойида қарор топишига тадбиркорлар ишонишмоқда.

Зокиржон ОТАБОЕВ, Сирдарё вилоят Адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: мақола саҳифаланаётганда Сирдарёдан Гулистон туман прокуратураси А.Носиров номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Йўлчиев устидан жиноий иш қўзғатганлигини маълум қилишди.

Гулистон шаҳрида Наврўз байрами кунлари вилоят соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилди. Шаҳар четидаги хушманзара жойда жойлашган янги шифохона қурилишига ярим миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Марказ Финляндиянинг «Медико Медикл» компаниясида ишлаб чиқарилган қиймати 3 миллион долларлик замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Тиббиёт маркази ҳар куни 250 нафар мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган поликлиника, 200 ўринли кундузги даволаниш бўлими, кардиология, функционал диагностика, жарроҳлик, асаб касалликлари, она ва бола бўлимларига эга. Янги шифохонада 200 нафардан ортиқ шифокор ва ҳамшира меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига

ҲАЁТ ИШҚИ

• Очерк •

Фидойи инсон Лев Ким чекка чўл ҳудудида ўзига хос меҳнат тарбияси мактабини яратди.

Қашқадарёда кўпчилик уни «Лёва амаки» дея улуғлайди. Бу ҳурмат-иззат сабабини эса очеркимиз қаҳрамони билан яқиндан танишганингиздан сўнг билиб оласиз.

...Бир неча йил муқаддам Жанубий Корея Республикаси парламентининг вакиллари юртимизда бўлишиб, давлатимиз раҳбари томонидан Оқсарой қароргоҳида қабул қилинган эдилар. Мазкур тадбир тантаналарига республикамизда туғилиб-ўсиб, меҳнати билан катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган корейс миллатига мансуб бир гуруҳ кишилар ҳам таклиф этилди. Улар орасида қашқадарёлик фермер хўжалигининг раҳбари Лев Николаевич Ким ёки, одмироқ айтсак, «Лёва амаки» ҳам бор эди.

Лев Николаевич ўша тантанали учрашув чоғида ёзиб олинган ва республика «ойнаи жаҳони» орқали намойиш этилган кўрсатув видеоёзувини авайлаб сақлайди. Унда республикамиз Президенти очеркимиз қаҳрамонининг қўлини қисиб, ишларида муваффақиятлар тилаётган лавҳалар акс этган.

Вилоятда унга турлича тавсиф берадилар. Исмидаги Лев (Арслон) сўзини назарда тутиб, «Лёва амаки» деҳқончиликнинг арслони» дейишади. Фамилиясидан сўз ўйини ясашиб «Ким бўлсанг-да, пахтанинг тилини Кимдай билсанг, ютуқ сендан йироқлашмайди» деб қўйишади.

Яқинда, янги йил арафасида у Россиянинг Самарқанд вилоятидан хат олди. «Сизни олтмиш икки йиллик тўйингиз билан чин юракдан табриклайман, - деб ёзганди Балашихи қўрғонидан Владимир Евгеньевич Ивашов, - сиз менинг учун ҳаётимда ота ўрнини босдингиз. Сизсиз тақдирим бутунлай чаппасидан кетиши мумкин эди...»

Сўнгра Владимир Ивашов ўзи истиқомат қилаётган қўрғонда чорвачилик билан шуғулланаётгани, янги оила қуриб, бир ўғил ва бир қизлик бўлгани, ҳовли-жой, «Ока» енгил машинаси сотиб олганлиги ҳақида ёзганди. «Иложини қилолсангиз, биз томонларга келиб, меҳмон бўлиб кетинг, дея қўшиб қўйганди хатининг охирида, - ўзим эса, ростини айтсам, Қашқадарёнинг қайноқ чўллари тафтини роса соғиндим...»

Келинг, энди «Лёва амаки»миз ҳаётининг саҳифаларига чуқурроқ назар ташлайлик. Хўш, асли Тошкент вилоятидан бўлмиш бу инсонни жанубий вилоят чўлларига қандай шамол учирди? Қандай қилиб эл назарига тушди у?

«Ўттиз беш ёшимгача Сирдарё вилоятида такси ҳайдадим, - дейди Лев Николаевич ўтган кунларини эслаб, - тирикчилигим бир нави ўтиб турарди. Лекин фарзандлар катта бўлишар, олдинда эса ёруғлик, истиқбол кўзга ташланмасди. Шунда бирданига чўлқуварлик иштиёқи қалбимга ўрнашиб қолди. Таваккал қилдиму Қашқадарё чўлларига қараб йўл олдим. Қарши туманининг Туркманистон кенгликларига туташиб кетган ҳудудида бир совхоз бўлиб, унинг яқинда ўзлаштирилган, аммо ишлашга ҳеч кимнинг юраги бетламаётган бир неча ўн гектар ери бор экан.

— Шу ерда деҳқончилик қилсам деган ниятим бор, - дея кўнглимдаги гапни очиқ-ойдин айтдим.

Совхоз директори менга унча ишонқирамай қаради.

— Корейслар фақат шолини яхши етиштирадилар, - жилмайди у, - бизга эса пахта керак, дўстим...

— Менинг уруғ-авлодим уриниб кўрайлик. Ахир, инсон қилган ишни инсон қилади-ку!

Ўз ёнимга беш-ўн нафар чаққон, меҳнат қийинчиликларидан қочмайдиган йигитларни олдим. Совхознинг энг чекка, шайтон адашиб бориб қолгудай бўлса, оёғи куйиб қочадиган жойидан ўша бир неча ўн гектар ерни ажратиб беришди. «Ҳар ким ўзи учун ўзи югуриши керак, оғайни, - дейишди рўйи-рост, - бизда ҳозиргача энг катта муаммо сув танқислиги эди. Лекин бахтингга яқинда Қарши Бош канали ишга тушди. У Амударёдан сув олади. Ўша каналдан ўз участкангга насослар ёрдамида сув тортиб келишинг керак бўлади».

Шундай қилиб, сув кўтариб берадиган насослар излаб топишга киришдик. Топдик ҳам. Иккинчи бош масала сифатида ерни озиқлантиришга алоҳида аҳамият бердик. Биринчи йили пахта, картошка, пиёз етиштирдик. Ҳосил ёмон бўлмади. Кейинги йили ҳам тиниб-тинчимай ишлаган ҳолда аввалги йил ютуқларини такрорлашга эришдик. Ҳосил яхши бўлди, ҳамёнга пул тушди...»

Энди кейинги гаплардан эшитинг. Уч-тўрт йил давомидаёқ Толимаржон шаҳри яқинидаги бийдай чўлда Лёва Ким деган корейс йигит мўъжазгина хўжаликка раҳбарлик қилаётгани, бу ерда рентабеллик (демак ҳосил ҳам, даромад ҳам) вилоятда энг юқори бўлаётганлиги оғиздан-оғизга кўчиб юрабошлади. Бу гапларда жон бор эди. Лев Ким бўлимининг ишчилари йил охирида натура ҳолида оладиган картошка, пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари ойига 600 сўмдан маошни киссага урардилар. Бу бир хил одамларнинг ҳавасини келтирса, бошқаларнинг ҳасадини уйғотарди.

Кунлардан бирида Кимнинг бўлимига, тўғрироғи, у қўним топган ертўлага соч-соқоли ўсган, юпун кийинган бир кимса кириб келди. Бўлим бошқарувчиси билан ҳоли қолгач, юрагидаги гапларни тўкиб солди:

— Хотиним билан ажралишганман, Лёва амаки. Ҳаётим заҳарга айланди... Шундан сўнг шишага ружу қўйдим. Ҳозир энди ақлимни йиғиштириб олмасам, тубсиз чоҳга қулаб бораётганимни кўнглим сезиб турибди. Сизнинг одамийлигингиз ҳақида кўп эшитганман. Мабодо, ёрдам қўлини чўзсангиз, бўлимингизда ишлаб, ўзимни тиклаб олардим...

Бу кимса, номини юқорида тилга олганимиз, янги йил арафасида Лев Кимга миннатдорчилик хатини юборган Владимир Ивашов эди.

— Бизнинг бўлимда тартиб-интизом жуда қаттиқ, оғайни, чидармиксан? - сўради ўшанда «Лёва амаки», - эрта тонгдан то қош қорайгунча даладан чиқмай ишлаш керак бўлади. Деҳқончилик, пахтакорлик ищи шуни талаб қилади. Бизда ҳар бир одам тўрт кишининг ишини бажаради, шу боис ҳам тўрт кишининг ойлигини олади. Мабодо, чидаш берсанг, яхши ишласанг, уй-жой учун ҳам, янги оила қуриш, ҳатто машина сотиб олиш учун ҳам даромад қилишинг мумкин. Лекин билиб қўй: бизнинг иш худди сапёрларникидай — фақат бир бор адашасан, холос. Бир марта издан чиққанингни кўрсам, қулоғингни ушлаб кетаверасан. Пайғамбаринг ҳам ўртага тушолмайди.

Қизиқ бир факт. Бўлимга ишга келаётганлардан у бир эмас, бирратўла иккита ариза ёздириб оларди. Бири, табиийки, ишга қабул қилиш ҳақида. Иккинчиси эса... ишдан бўшаш тўғрисида. Бу аризада ишчининг имзоси бўларди-ю, лекин ёзилган санаси бўлмасди. Ариза эгаси тартибқоидани, интизомни бузган тақдирда бўлим бошқарувчиси аризага ўша кун санасини ёзиб қўярди-да, ҳалиги тартиббузарнинг жавобини бериб юборавераркди...

Қодиржон СОБИРОВ.

(Давоми бор)

Куни кеча Шеробод туманида тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. Баҳорнинг илк лаҳзаларида ишга туширилган коллеж 750 ўқувчи талабани ўз бағрига олди. Бу ерда тиббиёт соҳасининг уч йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади. Барча ўқув хоналари замонавий ўқув қуроллари ва ускуналар билан таъминланган. Талабалар назарий билимларини амалий машғулот билан бирга қўшиб олиб боришлари учун ҳам барча шароитлар яратилган.

Суратларда: коллежнинг янги биноси; лингафон хонасида машғулот ўтказилмоқда.

Р.АКБАРАЛИЕВ олган суратлар.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

ШАРТНОМА МАСЪУЛИЯТИ УНУТИЛГАЧ

Ҳаётда олижаноб, ўзгалар бахтини ўз қувончи деб билган инсонлар кўп. Бироқ, шахсий ҳузур-халоватини ўйлаб кетган кимсалар ҳам йўқ эмас. Ангор туманидаги «Қорасув» ширкат хўжалиги раиси А.Раҳмонов ҳам сўнгги вақтларда ўзибўларчиликка йўл қўймоқда

Бўлмаса, у турли баҳоналарни рўкач қилиб, Бўриевлар оиласига тегишли 33.076 сўм ойлик маошни тўлашни пайсалга солиб келармиди?! Югур-югурлару ваъдалардан безиган оила аъзолари юзхотирчиликни йиғиштириб туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдулла Холбўтаевга ариза билан мурожаат қилишди.

— Узоқ йиллардан буён мазкур хўжаликда самарали ишлаб, фақат раҳматномалар олиб келганмиз, — дейилади аризада. — Ҳозир ҳам илғор ишчиларданмиз. Лекин, бизга тегишли ойлик маошларимизни ололмай сарсону саргардонмиз. Хўжалик раиси А.Раҳмоновдан иш ҳақимизни талаб қилсак, «Олақарға»да ҳаққинг бўлса, оласан, деб арзимизни ҳам тингламай, машинага ўтириб жўнаворади.

Хуллас, касабақўм текшириш ўтказиб, ҳақиқатан ҳам иш берувчи билан ишчилар ўртасида меҳнат шартномаси бандлари бузилганлигини аниқлади.

«Қорасув» ширкат хўжалиги ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида имзоланган жамоа шартномасига мувофиқ иш ҳақлари ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида берилиши кўзда тутилган. Иш берувчи ўзининг бурчларидан бири деб, иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб боришни зиммасига олган. Қарангки, икки ўртада тузилган шартнома раҳбар айби билан «музлатилган».

Раис эса қишлоқ хўжалигидаги баъзи етишмовчиликлар, ғалла ва пахта топшириш шартномавий режалари бажарилмаганлигидан хўжалик ҳисоб рақамига пул келиб тушмаётганлигини рўкач қилишдан чарчамайди.

Хуллас, касабақўм саъи-ҳаракати билан уч кун ичида Бўриевлар оиласига тегишли иш ҳақлари тўланди.

Ўйланиб қоласан киши, шу ишни касабақўм аралашувисиз ҳам ҳал қилса бўларди-ку!

Д.РУСТАМОВ.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Қорақўл туманида «Қорақўлтекс» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси иш бошлади. 300 дан зиёд йигит-қизни иш билан таъминлаган мазкур корхонанинг таъсисчилари «Бухоротекс» акционерлик жамияти ҳамда Американинг «Дельфи ЛЛС» фирмаларидир.

Германиянинг «Тручлер», «Шлафхорст», Чехиянинг «Элитекс» фирмаларининг замонавий ускуналари билан жиҳозланган қўшма корхона йилига 3 минг 800 тонна калава ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг 70 фоизи экспорт қилинади, қолган қисми мамлакат ички бозорида сотилади.

Қўшма корхонанинг очилиши муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида таъсисчилар Бухоро вилоятининг Жондор, Ромитан ва Олот туманларида ҳам енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар қуриш лойиҳалари устида иш олиб борилаётганини маълум қилди.

Ташаббус

Фарғона вилоят ҳокимлигида чўл туманлари мактабларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ёзёвон туманининг бир гуруҳ тадбиркорлари мактабларни оталиққа олиш ташаббуси билан чиқдилар.

Тадбиркорлар «Оналар ва болалар» давлат дастурини бажариш ҳамда ёшлар баркамол бўлиб етишишлари учун шарт-шароитлар яратиш йўлида бошлаган хайрли ишлари вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланди.

Ёзёвондаги «Жаҳонгир», «Алмаз», «Абдужаббор», «Келажак», «Гулистон», «Марказий Фарғона», «Нурафшон», «Мингчинор», «Ал-Мансур», «Феруза» номли кичик корхона ва фирмалар тумандаги зиё масканларини ҳомий сифатида таъмирлаб бериш, мунтазам равишда уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга аҳд қилдилар. Билим даргоҳларига бириктирилган ҳомий ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Шундан келиб чиқиб Ёзёвон туман ҳокимлиги зиммасига бир ой муддатда вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликда «Келажак» кичик корхонасига Такалик қишлоқ ҳудудидан мактаб биносини қуриш учун ер ажратиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Шаҳар ва туман ҳокимларига ўз ҳудудларидаги тадбиркорлар, фермерларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, ёзёвонлик тадбиркорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини оталиққа олишни ташкил қилиш тавсия этилди.

А.ТЎХТАСИНОВ.

ИЛМ МАСКАНИГА ЭЪТИБОР

ЯНА БИР ХУСУСИЙ БАНК

Бухоро вилоятида хусусий банклар сони яна биттага кўпайди. Наврўз арафасида Самарқанддаги «Парвина» хусусий ёпиқ турдаги акционерлик-тижорат банкининг Бухоро филиали очилди.

«Парвина» банкининг республикамизда иш бошлаганига олти йил бўлаяпти. Нисбатан қисқа даврда у мижозлар ишончини қозона олди. Янги хусусий банкнинг ўзига хослиги шундаки, у кредит ажратиш масаласини қисқа муддатларда ҳал қилади, қарз фоиз ставкаси ҳам бошқа банкларга нисбатан анча кам. Ҳозирданоқ бухоролик фермерлар, тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес соҳиблари «Парвинабанк»нинг мижозлари бўлишга ошиқмоқда.

«ШАРҚ» МАҲСУЛОТИ ХОРИЖГА

Қизилқум бағрида жойлашган Томди туманида бундан беш йил муқаддам «Шарқ» ишлаб чиқариш савдо фирмаси ташкил этилган эди. Бу ерда қисқа вақт ичида замонавий технология ўрнатилиб, малакали мутахассислар жалб қилинганлиги боис жаҳон андозаларига мос, харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Энг муҳими, саноат корхоналари кам ривожланган туман марказида 30 дан зиёд иш ўринлари очилди. Қорақўл тери, туя ва қўй жунларидан 10 хилдан ортиқ турли кийим-кечаклар, яъни палто, шуба, бош кийим каби маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. «Шарқ»ларнинг асосий харидорлари Россия ва Шимолий Қозоғистон истеъмолчилари бўлди. Чунки улар тайёрлаган буюмлар сифатлилиги ва бозорга қараганда арзонлиги билан фарқ қилади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган мазкур йилда фирма ишчилари 45 миллион сўмлик харидорбоп маҳсулотларни хорижга сотиш ва чет эл сармоясини олиб келиш борасида ҳаракат қилмоқда.

ҚИШЛОҚДА КОЛЛЕЖ

Наврўз байрамида Қўшкўпир туманининг энг чекка Ғазавот қишлоғида касб-ҳунар коллежи очилди.

Янги типдаги ўқув масканида 600 нафар ўқувчи маиший хизмат соҳасидаги энг зарур еттита мутахассислик бўйича билим олади. Тегишлича жиҳозланган кимё, физика ва бошқа фанлар, компьютер синфи, ишлаб чиқариш устахоналари, спорт ва анжуман заллари, 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Касб-ҳунар коллежининг қурилиши ва жиҳозланиши республика бюджетидан молиялаштирилди.

(ЎзА)

Меҳнат муҳофазаси: ечимини кутаётган муаммолар

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ

— Тармоқ корхона, ташкилот ва муассасаларида ўтган йил учун қабул қилинган жамоа шартномаларининг бажарилиши ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишларни таҳлил этганимизда, муайян ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик, — дейди Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитасининг техник нозири Саиджон Алимов. — Жумладан, цехлар ва хизмат бинолари таъмирланди, санитария хоналарига янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Қатор корхоналар ва ташкилотлар компьютер техникалари сотиб олиши натижасида ходимларнинг ишлаши анча енгиллашди. Янги, замонавий техникалар ўзлаштирилиши туфайли ишловчилар зарарли меҳнат жараёнларига кам жалб этилмоқда. Полиграфия корхоналари цехларида шамоллатиш тизими яхшиланганлиги боис ҳавога зарарли моддаларнинг тарқалишининг камайишига эришилди.

Шунингдек, «Ўзтелерадио»-компанияси, «Устозода» халқ ижодкорлиги усталари бирлашмасида иш жойлари шаҳодатлашдан ўтказилди. Жамоа шартномаларида зарарли шароитда ишловчиларга даромад солиғини 25 фоизга камайтириш, таътилга қўшимча кунлар қўшиш, сут маҳсулотлари билан таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш белгиланган эди.

Аммо саноат корхоналарида иш жойини шаҳодатлаш тўла амалга оширилмади. Корхона раҳбарлари маблағ етишмаслигини рўкач қилиб, ишни пайсалга солишмоқда. Қонунда меҳнат муҳофазасини молиялаш мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона маъмурияти томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат муҳофазасидаги муаммолардан яна бири ишлаб чиқаришда шикастланишларнинг рўй беришидир. 1999-2000 йилларда тармоқда 9та ишлаб чиқариш шикастланиши содир этилди. Улардан бирида бир инсон умрбод ногирон бўлиб қолди. Бошқаси фожеа — ўлим билан тугади. Тошкент китоб-журнал фабрикасининг қоровули С.Турсунов оғир жароҳат олган бўлса, «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг устаси Ш.Акбаев баландликда махсус ҳимоя воситасиз ишлаб турганида фалокат юз бериб ҳаётдан бевақт кўз юмди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда шикастланишлар кўп ҳолларда носоз асбоб-ускуналардан фойдаланиш оқибатида содир бўлмоқда. Улардан техника кўригисиз фойдаланиш одат тусига кириб қолганлиги айниқса ташвишланарли ҳолдир. Шундай сабабларга кўра шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси техник нозири томонидан «Қадрият-таъмир» ОТҲЖ, «Устозода» халқ ижодкорлиги усталари бирлашмасидаги ускуналар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг автохўжалиги, шаҳар маданият ва истироҳат боғларидаги носоз деб топилган жиҳозлар ва аттракционларни ишлатиш тўхтатиб қўйилди.

Ходимларни соҳа мутахассиси бўлмаса-да, ишга олиш ҳоллари учрамоқда. Меҳнат қонунчилигининг бузилиши натижасида ва лозим йўриқномаларнинг йўқлиги ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини келтириб чиқармоқда.

Полиграфия корхоналарида касб касаллиги бўйича 5, китоб-журнал фабрикасида 4 ҳолат такрорланди. Тошкент 1-босмахонаси касб касаллиги сабабли етказилган зарарни қоплаш учун уч ходимга бир йўла бериладиган товон пулини тўламаган. А.Навоий номли давлат академик катта театрининг собиқ балет раққосаси Ҳалима Сайфутдинова товон пулини олгунча бир йил сарсон бўлди. Можаро судга бориб етгачгина унинг қонуний ҳақи ундириб берилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи корхоналар раҳбарлари «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонун ва низомни билмасликлари кўп ҳолларда ишловчиларга панд бермоқда.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимида ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўтган йили тармоқдаги корхоналар ва ташкилотлар билан тузган жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича 343 та тадбир белгилаган, ҳозиргача эса уларнинг 250 таси бажарилди.

Юқорида қайд этилган камчиликлар кимлар учундир сабоқ бўлгусидир.

Қобилжон ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚУВАСОЙ ШАҲРИДАГИ «КВАРЦ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Фидокор халқимизни НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади. Шукуҳли кунларда юракларимизни эзгу туйғуларга кенг очайлик.



Орамиздан меҳру оқибат қутарилмасин, азиз Ватанимиз гуллаб яшнаверсин!



Ҳозирги кунда корхонада 15 хилдаги банка, 25 хилдаги шиша идишлар, 3 ммдан 7 ммгача қалинликдаги энг сифатли ойна ишлаб чиқарилмоқда.

Харидоргир маҳсулотларимизга буюртма беринг.

ОЛИС ҚИШЛОҚ СПОРТИ

Таклиф

Аҳмад полвон РАҲИМБЕКОВ: «ЧАВАНДОЗЛИК МАКТАБЛАРИ ОЧИЛСА...»

Аҳмад полвонни анча йиллардан бери биламан. Алп гавдали, сўзларни чертиб-чертиб айтадиган, ёши етмишларга етиб қолганлигига қарамасдан қадамлари ҳали анча тетик бу оксоколни тоғлар бағридаги Нанай қишлоғига йўлим тушганида бот-бот зиёрат қилиб тураман. Қачон учрашсак, «Домлажон, биз айтган масала бўйича янгилик йўқми?» дея сўрашни унутмайди. Кейин норози бўлгандек қўшиб қўяди: «Шуни газетангизда ҳеч кўтармадингиз-да!»

Аҳмад ака билан илк бор бундан ўн тўрт-ўн беш йилча олдин танишганман. Ўшанда ҳозирги Бобораҳим Машраб номидаги истироҳат боғи ўрнидаги яйдоқ майдонда вилоят ҳосил байрами ўтказилганди. Сайлдан сўнг улоқ-кўпкари бошланган, отлар туёқларининг дўпири, чавандозлар ҳайқириғи ва минглаб томошабинларнинг шовқин-суронидан еру осмон гўё силкиниб турaётгандек эди. Кечикиброк келганим учун четроқдан жой олганман. Шу пайт мендан ўн-ўн беш қадам нарига икки отлиқ келиб тўхтади. Уларни ҳам томошабин деб ўйлабман. Адашган эканман, ёнгинамда турган ўрта ёшли киши ногоҳон уларга кўзи тушди-ю, худди ширин туш кўраётиб уйғониб кетгандек ҳаяжон билан деди:

— Аҳмад полвон келди, Аҳмад полвон!

Бу гапни эшитганлар дарров ортларига ўгирилишди. Бўйчан, сарғимтил чакмони ўзига ярашган, тулки телпаги янада савлатлироқ қилиб кўрсатаётган чавандоз бир дақиқа майдондаги отлар уюрига синчковлик билан тикилиб қолди. Сўнг шеригига нимадир деб ҳафсаласизлик билан қўлини силтади. Назаримда, чавандознинг майдонга тушиш истаги йўқ эди. Лекин, шериги уни қаттиқ қистовга олди, шекилли, ниҳоят чавандоз эгнидаги чакмони билан тулки телпагини ечиб, ҳамроҳининг одмироқ телпаги билан қора сатин тўнини олди. Сўнг юзига фотиҳа тортиб қуюндек ёпирилиб келаётган тўдага қараб от солди. Чавандознинг қаерда ва қай тариқа тўдага қўшилиб олганлигини кўрмай қолдим. Аммо кўп ўтмасдан унинг қора тўриғи даврани ёриб чиқди. Бу пайтда улоқни тақимига босган, от гавдасига сингиб кетгандек эгар устига узала тушиб ётиб олган чавандоз мутлақо бошқача кўриниш касб этганди...

Ўлжа ҳакамлар ҳайъати ўтирган қўлбола минбар пойига келтириб ташланганда ҳайҳотдек майдон узра гулдурос қарсаклар янгради. Шу куни икки соат мобайнида Аҳмад полвоннинг уч бор улоқ олганлигини ва шунча марта совринга сазовор бўлганига гувоҳ бўлдим.

Кейинчалик Аҳмад ака билан яқиндан танишдим, бир дастурхон атрофида туз-намак бўлдик. Танишбилишлардан, ҳамқишлоқларидан, катта-кичик ёшдаги чавандозлардан Аҳмад полвон кечмишлари билан боғлиқ ҳикоялар тингладим.

Тоғлар, кенг қирлар бағрида вояга етган Аҳмад отга барвақт меҳр қўйди. Йигирма ёшга етмасданоқ уни нафақат вилоят ёки Фарғона водийсида, балки қўшни Қирғизистонда ҳам яхши танишарди. Тошкент, Хўжанд, Олма-ота, Бишкек томонларда ўтказилган ўнлаб от спорти мусобақаларида қатнашиб, совринлар олиб қайтган чавандоз ҳаётида бир неча бор отдан йиқилиб ойлаб ўринда михланиб ётиб қолган пайтлар ҳам бўлган. Лекин унда отга, от спортига бўлган меҳр ҳеч қачон пасаймаган. Аҳмад полвоннинг яна бир хислати шуки, у жисмонан бақувват бўлса-да, бироқ ҳеч қачон бировга қўл кўтармаган, ғирромлик қилмаган. Айтишларича, йигирма йилча олдин Нанай қишлоғи билан Қирғизистон чегарасидаги Каравон шаҳарчаси оралиғида бўлиб ўтган кўпкарида Аҳмад полвон ажойиб тантилик қилган экан...

— Ўшанда томошада юздан ортиқ чавандоз иштирок этганди, - дея ҳикоя қилишганди менга. - Улоққа яқинлашишнинг иложи йўқдек эди. Ниҳоят, дароз қирғиз йигитининг омади келгандек бўлди. Улоқ унинг тақимига босилди. Бироқ маррага етиб бориш насиб этмади. Аҳмад полвоннинг пўлат чангакдек панжалари ўлжани осонгина суғуриб олди. Шу пайт полвон уюр бошида елдек кетаркан, ногоҳон кўзларида ўт чақнагандек бўлди. Ўлжани олдириб қўйган қирғиз йигити аламига чидолмасдан Аҳмаднинг юз-кўзи аралаш қамчи тортиб юборганди. Қарангки, полвон манглайидан оқаётган қонни енгига артиб, қамчинли қўлини кўтариб «қуллуқ» қилди. Шу куйи майдонни бир айланди-да, от бошини тортди ва ортидан соядек эргашиб келаётган қирғиз чавандозига ўлжани узатди.

Майдон бир қалқиб тушди. Сўнг гулдурос қарсаклар билан Аҳмад полвонни олқишладилар. Меҳмон эса ўлжани совринбардорлар оёғи остига улоқтирди-ю, тўёнага қиё ҳам боқмади. Отдан тушиб Аҳмадни маҳкам қучоқлади.

— Мени кечир, эр йигит, ахмоқлик қилдим. Хоҳласанг толиққанча қамчила, «ғинг» деб овоз чиқарган номард!

Бунга жавобан Аҳмад полвон ҳам меҳмонни бағрига босиб деди:

— Бундай дема, биродар. Бизда меҳмон отангдек улуғ, дейдилар!

...Бу галги учрашувимизда ҳам Аҳмад ака ҳар сафарги гапини қайтардилар: «Энди газетангизга ёзмасангиз бўлмайди. Ахир, тоғ қишлоқларида, масалан, бизнинг Янгиқўрғон, Чуст, Косонсой туманларида от спорти мактабларини очиш вақти етди-ку! Чунки, отни, чавандозлик сир-асрорларини чуқурроқ тушунадиган кишилар тобора камайиб бормоқда. Уларнинг билимларини ёшларга ўргатайлик. От эр йигитнинг доимий йўлдоши, садоқатли ҳамроҳи. Эшитимча, армиядаям чавандозлар гуруҳлари ташкил этилаётганмиш. Ҳеч бўлмаса, ўшанда иш беради-ку!»

Хўш, сиз нима дейсиз, азиз газетхон! Бизнингча, бу таклифни тегишли ташкилотлар ўрганиб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ОҚҚЎРҒОНЛИК ЧЕМПИОН

Яқинда Қўқон шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда 20 ёшгача бўлган турли вазндаги 200 га яқин ёш боксчилар қатнашди.

93 килограмм вазн тоифасида оққўрғонлик «чарм қўлқоп» устаси Умид Тўрақулов барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, мамлакат чемпиони деган шарафли номга эришди. «Спорт устаси» унвонини қўлга киритган ёш боксчи энди терма жамоа таркибида қитъа ва жаҳон биринчиликлари, турли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Т.ҲАЙДАРОВ.

Сулола давомчилари

ЭЛ ОҒЗИГА ТУШДИ

Мабодо, Сурхон ё Қашқа воҳасида ёхуд Бухорода бўлиб кекса полвонлар гурунгига қулоқ оссангиз, уларнинг бирон бир умидли курашчи тўғрисида «Қонида бор-да!», «Ота-бобоси полвон ўтган унинг» дея тўлқинланиб сўзлашларининг устидан чиқасиз. Бинобарин, истеъдодларга бой юртимизда юзлаб машҳур полвонлар сулолалари борлиги бу гапнинг нечоғлик ҳақлигини исбот этади.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз эндигина 19 баҳорни қаршилаган сурхондарёлик Тўра Ўтаев ҳам асли полвонлар авлодидан. Унинг тоғалари ўз даврининг кураги ерга тегмаган курашчилари бўлган. Падари бузруквори Рўзи акани эса ҳозир нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам кураш фидойиси сифатида яхши билишади. Лекин ҳар қандай юксак истеъдод соҳиби ҳам тарбияланганда, ўз устида тинимсиз ишлагандагина етуклик сари қадам қўяди. Шундагина муваффақиятларга йўл очилади.

Тўра аввалига ўз билганича шуғулланди, тўйтантаналарда тенг-тўшлари билан бел олишди. Тез орада эл оғзига тушиб, кексаларнинг оқ фотиҳасини ҳам олди. Ўғлида курашга бўлган ўзгача иштиёқни сезган Рўзи ака уни вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тасарруфидаги «Алпомиш» ўйингоҳи қошида жойлашган самбо курашига ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб келди. Ўшанда у ўн ёшда эди. Ёш бўлишига қарамасдан табиатан чайир, сабр-матонатли Тўра мураббийлари кўмагида самбо сирларини қунт билан ўргана бошлади. Кези келганда шуни айтиш жоизки, агар каттами-кичик бирон бир мусобақада ёш самбочидан омад юз ўгирса, у отаси томонидан қаттиқ жазоланарди. Бу жазо эса спорт залидаги 5-6 соатга чўзиладиган тинимсиз машқлардан, машғулотлардан иборат бўларди...

Ўта тиришқоқлик, изланувчанлик ва ўз устида ишлаш секин-аста самарасини бериб, ютуқлар бўй кўрсата бошлади. Тўра полвон ўз вазни ва ёши бўйича бир неча бор вилоят ҳамда мамлакат миқёсидаги мусобақаларда зафар қучди. Яқинда Испаниянинг Лас-Пальмас шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги самбо кураши бўйича жаҳон чемпионатида у ўз маҳоратини намойиш этиб бронза медалини қўлга киритди.

— Бундай нуфузли беллашувда илк бор иштирок этишим эди, - дейди Тўра полвон. — Албатта, Алпомиш юртининг вакили сифатида турнир ғолиблигига эришганимда нур устига нур бўларди. Бироқ, сўнгги сонияларда омад мендан юз ўгирди. Насиб этса, ҳали бу каби мусобақаларда ўзбек курашчиларининг нимага қодир эканлигини намойиш этаман.

— Тўра айни пайтда ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун тинимсиз изланишда. Ишонаманки, у ниятига албатта эришади, - дейди устози Рўзибой Қурбонов.

Нуронийларимиз эзгу мақсад ила йўлга чиққанларга «Ниятинг ўзингга эш бўлсин» дея тилак билдирадилар. Бугун Ватан номини дунёга достон этиш ниятида юксак чўққиларни кўзлаётган Тўра полвон ҳам эрта-индин дунё кураш гиламларидан ғолиб бўлиб қайтса, ажаб эмас.

Р.ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири.



«Олимпиада умидлари — 2001»

ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Сирдарё вилоятида республика мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мактаб ўқувчилари ўртасида «Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақалари поёнига етмоқда.

Шу вақтга қадар ўтган беллашувларнинг биринчи босқичида 314 минг, иккинчи босқичида 30 минг, учинчи босқичида эса 1,5 минг нафар ўқувчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Айни пайтда спортнинг 7 тури — гандбол, волейбол, футбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика ва шахмат бўйича ғолиблар аниқланмоқда. Ғолиб мактаб жамоаси республика мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Н.ФАХРИДДИНОВ.

СИҲАТГОҲГА ЙЎЛЛАНМА

Қўрғонтепада туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси, хотин-қизлар кенгаши ҳамда касаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти соврини учун оилавий спортчилар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди.

Арқон тортиш, турли масофаларга югуриш бўйича беллашувларда «Қўштепа» ширкат хўжалиги жамоасидан Тожибоевлар оиласига омад кулиб боқди. Шунингдек, Тўқтўғул номидаги ширкат хўжалигидан Ҳайдаровлар, туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти шарафини ҳимоя қилган Деҳқоновлар оилалари ҳам шоҳсупадан жой олишди.

Ғолибларга сиҳатгоҳларга бепул йўлланма, пул мукофотлари ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

М.АБДУКАРИМОВ.

«Ишонч»га жавоб берадилар

СПОРТ КЛУБЛАРИ ИШ БОШЛАЙДИ

Газетамизнинг шу йил 16 феврал сонида «Қимматга тушган «тежамкорлик» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Навоий вилоятининг айрим жойларида, хусусан, Хатирчи туманида меҳнатчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун етарли даражада шарт-шароит яратилмаганлиги, спорт машғулотларига жалб этиш кўнгилдагидек эмаслиги, айрим хўжалик раҳбарлари мазкур соҳага иккинчи даражали масала, деб қараб унга тегишли маблағ ажратмаётганлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Қуйида газетанинг ана шу чиқиши юзасидан таҳририятга келган жавоб хати билан танишасиз:

— Танқидий мақола вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан ҳам спорт тадбирларини ўтказишга тегишли маблағ ажратиб берилмаётир. Айни пайтда вилоят ҳокимлигининг К-162-сонли қарорига асосан вилоят спорт қўмитаси билан келишилган ҳолда туманлар хўжаликларининг барчасида спорт йўриқчилари штати тасдиқланиши ҳамда спорт клубларини очиш кўзда тутилмоқда.

Жамиятимиз ўзининг иккинчи чоракда ўтказадиган раёсат йиғилишида ҳокимлик қарорининг бажарилиши ва газета чиқишида таъкидланган камчиликларни бартараф этиш масалаларини кўриб чиқади. Спорт ишларидаги фаолиятимизни холис ёритганлиги учун эса таҳририятга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

В.НАМ, Навоий вилояти касаба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси.

Сиз бунга нима дейсиз?

КОПТОК ТЕПАЁТГАН ОВУЛ БОЛАЛАРИ

уларга қандай шароит яратилган?

Спорт залига йиғилган 11-синф ўқувчилари бугун ҳам волейбол тўри ва тўпи келишини анча кутиб қолишди. Чунки бу спорт жиҳозлари турадиган Камол билан Ерсейитнинг уйлари мактабдан анча олисда. Жиҳозларни эса кўз қорачиғидек сақлаш керак, акс ҳолда тағин пул тўплаб харид қилишга тўғри келади. Хайрият, бироздан сўнг волейбол ўйини бошланиб кетди...

Бу каби кўринишлар Беруний туманидаги қорақўлчиликка ихтисослашган «Қизил қалъа» овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 10-умумтаълим мактабида одатий ҳолга айланиб қолган.

—Мактабимиздаги мавжуд 22 та синфда 551 нафар ўқувчи таълим олади, — дейди билим маскани директори Қашқанбой Қазанатаев. — Уларнинг аксари Қизилқум яйловларида меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқлар, йилқи ва туябоқарларнинг фарзандларидир. Баъзи ўқувчиларимизнинг уйлари марказдан 250-300 километр узоқда жойлашганлиги учун мактаб қошида 50 ўринли интернат фаолият кўрсатмоқда. Жамоамиз «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур асосида изчил иш олиб боришга астойдил ҳаракат қилаяптилар. Аммо, баъзи фанлар бўйича, айниқса жисмоний тарбия машғулотларини мунтазам тарзда талаб даражасида ўтказиш имкони бўлмаётир.

Нега? Саволимизга қарийб 26 йиллик педагогик стажга эга олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиси Баймахамбет Ерсейитов қуйидагича жавоб берди:

— Қизиқувчан, иқтидорли ўғил-қизларимиз жуда кўп. Афсуски, уларнинг мунтазам шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит йўқ. Баъзи спорт анжомларини ўқувчи ва муаллимлар ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан сотиб олишга мажбур бўлаяпти. Кейинги йилларда туман халқ таълими бўлими бюджети ҳисобидан ёки ҳомий ташкилотлар томонидан мактабга ҳатто битта футбол тўпи олиб берилганини эслай олмайман. Қўл тўпи майдони йўқ. Гимнастика, миллий кураш билан шуғулланиш учун зарур жиҳозларни эса умуман кўрганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам миллий кураш, самбо, дзю-до бўйича машғулотлар олиб боришда катта қийинчиликларга дуч келяпмиз.

Мактаб ҳаёти билан яқиндан танишгач, жисмоний тарбия ўқитувчисининг куюнчаклик билан айтган сўзлари қанчалик асосли эканлигига яна-да ишонч ҳосил қилдик. Футбол, баскетбол майдончалари, гимнастика шаҳарчаси ташландиқ ҳолатда. Қор билан қоплангандек шўр босиб ётибди.

Ёпиқ спорт залига кирамиз. Ечиниш хонасидаги пала-партиш тахланган асбоб-анжомларнинг баъзилари синиб ётибди. Нам тортган спорт залида муаллим Ойим Пўлатова раҳбарлигида машғулотлар ўтказаётган 1-синфнинг 23 нафар ўқувчиси иссиқ кийимлар кийган ҳолда югуриш билан машғул. Дарвоқе, ўқитувчи хусусида. Ойим Пўлатова асли Беруний шаҳридаги Педагогика билим юртининг мактабгача тарбия бўлимини тамомлаган. Демак, у жисмоний тарбия мутахассиси эмас. Шунингдек, жисмоний тарбия машғулотларини олиб борувчи қолган 5 нафар муаллим ҳам бошқа фанлар ўқитувчиси ихтисослигига эга. Мактаб маъмуриятидан бу ҳолга изоҳ талаб қилганимизда, ўқитувчилараро дарс соатлари етишмаслигини рўкач қилишди. Ажабо, мамлакат Президенти ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари билан ёшларнинг жисмонан баркамол ўсишига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда мазкур мактабда жисмоний тарбия ва спортга эътибор, наҳотки, шунчалар диққатдан четда қолган бўлса?!

Биз бу масалага қисман бўлса ҳам аниқлик киритиш мақсадида «Қизил қалъа» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилмоқчи бўлдик. Афсуски, касабақўм раисаси Гулнора Бекетовани на ишхонасидан, на уйидан топа олдик.

...Тушдан кейин шимолий-ғарбида Султон Увайс тоғ тизмалари ястаниб ётган, шарқидан бепоён Қизилқум бошланадиган «Қизил қалъа» овулидан қайтар эканмиз, ноғаҳон қизиқ манзаранинг гувоҳи бўлдик: бир гуруҳ болакайлар кафтдек текис майдонда бутун борлиғи билан футбол ўйнашяпти. Наҳотки, ана шу қизиқувчан болаларнинг бошини қовуштириб, етарли шарт-шароит яратиб малакали мутахассис раҳбарлигида мунтазам машғулотлар ўтказиш шунчалик мушкул бўлса?! Бунга Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими, қолаверса, мамлакатимиз соҳа мутасаддилари қандай жавоб берар эканлар?

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

Саҳифани тайёрловчи: Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч»нинг спорт шарҳловчиси.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6